

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ «АРХИТЕКТУРА»
ФАКУЛЬТЕТИ**

”ЛАНДШАФТ ДИЗАЙН ВА ИНТЕРЬЕР” КАФЕДРАСИ

5150900 – «ДИЗАЙН» (архитектура муҳитлари) йуналиши
буйича малакавий битирув ишининг

Тушунтириш хати

Мавзу: *Бухоро шаҳридаги «Кўп қаватли турар жой комплексининг архитектура
ва дизайн ечими».*

Битирувчи: *Нуруллаева Муяссар Шодмоновна.*

Раҳбар: *доц. Зойиров Г.А.*

Тошкент 2016

МУНДАРИЖА

1. Кириш.
2. Архитектуравий қурилиш қисми
3. Конструктив ечимлар.....
4. Дизайн ечими... ..
5. Экология.....
6. Фойдаланган адабиётлар.....
7. Илова.....

КИРИШ.

Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафакат ишончимиз ва келажагимиз, бугунги ва эртанги кунимизнинг хал килувчи кучидир.

Ислом Каримов.

Бухоро шаҳрининг кўплаб кўча ва хиёбонларида кенг кўламли бунёдкорлик-қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Янги турар-жой, маъмурий бинолар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилмоқда. Йўллар кенгайтирилиб, атрофи обод этилаётир. Шаҳримизнинг тарихий улуғлигига мос равишда кун сайин замонавий ва кўкамлашиб бораётганлигини кўриб қалбимиз ғурурга тўлмоқда. Бугун Бухоро шаҳрини улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин.

Республикаимиз Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2010 йил 27-январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамияти барпо этиш—устивор мақсадимиздир” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29-январь куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз –Ватанимиз тарақиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзуларидаги маърузаларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда юқорида таъкидланган муаммоларнинг ечимларини топиш ва уни ҳаётга оғишмай жорий қилиш республикаимиз ва Бухоро шаҳри архитекторлари ва бу соҳа мутахассислари олдига катта вазифалар қўйди.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб ва аҳолининг яшаш жойларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг дам олишлари учун атроф муҳит меъморий-ландшафт ечимларини замонавий талаблар даражасига кўтариш, айниқса жаҳон туристик шаҳарлари тизимига кирган.

1995 йил 6 декабрда Республикаимизда «Архитектура ва шаҳар қурилиш» тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Қонунда айтилишича архитекторлик-шаҳар қурилиш ишлари қўйидаги принципларда амалга оширилади:

1. Инсон яшаш шароитини муҳитни маҳаллий миллий иқлим шароитга мослашиб гуманизатсиялаш;
2. Фуқаролар талабларини ҳисобга олиш ва ҳ.к.

Архитектура ва шаҳар қурилиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқарувчилар бу қонун талабларига риоя қилишлари шарт. Қурувчилар қурилиш ишларини ушбу ҳужжатлар асосида қуриладиган биноларни зилзилага қарши бардош берадиган, узоқ муддатга мўлжалланган, сифатли, Республикамизда қабул қилинган қурилиш қоидалари ва меъёрларига амал қилиб олиб борилиши лозим. Ўзбекистонда таълим тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосини ташкил этадиган «Таълим тўғрисида» ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингандан буён ўтган йиллар мобайнида мамлакат таълим тизимида, жумладан халқ таълими соҳасида таълимни ташкил этиш, унинг мазмуни ҳамда моддий-техник базасини такомиллаштириш борасида жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Ватанимизнинг куч-қудрати, салоҳияти, гуллаб-яшнаши, халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятининг юксаклиги, ёруғ истиқболимиз таълим-тарбия билан бевосита боғлиқдир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунларидан ўғил-қизларни пухта билим, мустақил фикр, соғлом ва теран тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш борасида олиб бориладиган эзгу ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Ўзбекистонда қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини

барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўллариининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги йиллар мобайнида мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори қурилишда ҳам жуда катта ютуқларга эришилди. Кўплаб ҳашаматли бинолар, спорт саройлари, ёпиқ бозорлар,

замонавий кўча ва майдонлар, ҳиёбонлар ва боғлар, турар жой бинолари, коллежлар, лицейлар ва бошқа қурилган иморатлар қурилиш ва архитектура соҳасидаги ишларнинг кенг кўлаmidан далолат бериб турибди. Бугунги кунда архитектура ижтимоий - иқтисодий, эстетик, демографик ва кўп асрлик тарихий маданият анъаналарининг бирлигини тикламоқда. Капитал қурилиш халқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлиб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган асосий фондларни кенгайтирилган тарзда такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди. Капитал қурилишнинг асосий вазифаси фан - техника тараққиётини жадаллаштириш, ҳамда уй - жой бинолари, коммунал - маиший ва социал - маданий мақсадларга мўлжалланган объектлар қуриш негизида мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш потенциалини юксалтиришдан иборат. —Ҳозир Тошкент шаҳрининг турар жой фондида 9260 та кўп қаватли бинолар бор. Улардан 60 % дан кўпроғи 20 йил ва ундан олдин қурилган бўлиб, капитал таъмирлашни талаб этарди.

Охириги йилларда 3000 га яқин кўп қаватли бинолар таъмирланди.

Агар ҳозир 2100 та кўп қаватли бинолар таъмирланиши кераклигини эътиборга олинса, бу соҳадаги ишларни кучайтириш кераклиги аниқ бўлади”.

Биз шаҳарлардаги жуда кўп турар- жой ҳудудларини қайта қуришимиз керак, бу эса муаммолар ечимига ёндошиш принципларини қайта кўриб чиқишни талаб этади, шу жараён мобайнида биноларнинг лойиҳавий ва меъморий композицион ечимлари янгиланиши керак.

АРХИТЕКТУРА КИСМИ.

Рахбар. Зойиров Г.А
Битирувчи. Нуруллаева М.

Жамоат бинолари.

Жамоат биноларининг архитектураси инсон ҳаётининг серқирра томонларини, жамиятининг сотсиал-ижтимоий ривожланиш жараёнини бадиий қиёфада ёритиб беришга хизмат қилиши керак. Шу билан бирга жамиятнинг маънавий ва мафкуравий дунё қарашига ҳам бир қатор боғлиқ бўлиб замонавий архитектура ҳам шунга жавоб бериши лозим.

Ҳар доим ҳам энг қизиқарли ва энг муҳташам бинолар бу жамоат бинолари бўлиб келган, инсон тафаккурининг энг олий даражадаги хайратлантирувчи бинолар – бу жамоат бинолари комплекси. Шунинг учун бўлса керак, шаҳарсозликда қурилишга ажратиладиган маблағнинг асосий қисм жамоат биноларига берилади. Халқ турмуш даражасининг ошиб бориши эса қурилаётган йирик шаҳарлардаги туристик марказлар, олий даражада хизмат кўрсатувчи меҳмонхона комплекслари, йирик илмий, маданий ва маърифий марказлар, кинотеатр, концерт ва кўргазма заллари спорт иншоотлари ва хоказо биноларнинг қурилиши билан боғлиқдир.

Бинолар одамлар яшаши ва фойдаланиши учун зарур бўлган эҳтиёжларнинг асосийларидан бири ҳисобланади. Уй- жой қурилиши масаласи муҳим муаммо ҳисобланиб, уни ҳал қилиш жамиятни янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Ҳар қандай бино куйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- вазифасига мувофиқлиги. Яъни бино қайси жараёнга, мақсадга мўлжалланган бўлса, у шу жараён талабига тўлиқ жавоб бериши керак. Яшаш учун қулай, дам олишга мослаштирилган, меҳнат қилишга қулай бўлиши керак;

- техник томондан мувофиқлиги. Яъни бино кишиларни ташқи таъсирлардан, паст ёки юқори температура, ёғингарчилик, шамол ва бошқалардан тўла асраш, мустаҳкам ва устивор бўлиши, эксплуатация сифатларини узоқ йил давомида сақлаши лозим;

- бино кўриниши меъморчилик ва бадиийлик талабларига мос ҳолда танланиши, унинг ташқи, экстрер ва ички, интерер кўриниши чиройли, шинам, атроф-муҳит билан уйғунлашган бўлиши керак;

- иқтисодий жиҳатдан қулайлиги, яъни бино ва иншоот қурилишида меҳнат сарфини камайтириш, қурилиш материаллари ҳамда вақтни тежаш кўзда тутилади.

Қурилиш меъёрлари ва қоидаларига кўра бинолар узоқ вақт ўз вазифасини бажариши бўйича 4 даражага бўлинади:

1. Хизмат даври 100 йилдан ортиқ;
2. Хизмат даври 50йилдан 100 йилгача;
3. Хизмат даври 20йилдан 50 йилгача;
4. Хизмат даври 5йилдан 20йилгача мўлжалланган бинолар.

Бинолар ўзининг моҳиятига, қаватлигига, яшаш биноларини қурилиш материалларига қараб синф ва турларга ажратилади. Ўзининг моҳиятига қараб 4 турга бўлинади

А. Доимий яшаш ва оила учун қурилган турар жой бинолари

Б. Вақтинчалик ишловчи ишчилар ва вақтинчалик ўқувчи ёшлар учун ётоқхоналар

Д. Қария ва ногиронлар учун доимий яшаш интернатлари.

э. Меҳмонхоналар.

Фасадларни синчиклаб текшириш

Фасадларни синчиклаб текшириш барча ташқи деворларни зимдан кўриқдан ўтказиш билан бошланади. Сўнгра хонанинг ички тарафи кўриқдан ўтказилади. Фасадларни текширишда бионинг пардоз ва нуқсонларини ташқи архитектураси юзасига чиқариш

учун шикастли ва ёрикли жойлардаги фасад фрагментларини ва андтектура деталларини йирик планда фото суратга олинади.

Архитектура режалаштириш ва ҳажмий ечимларни текшириш

Меъморий-режавий ва ҳажмий ечимларнинг текшириш биноларни режалаштириш, фасадларнинг архитектураси ва ҳажмий ечимлар ҳақида тўлиқ келиб чиқиб қабул қилинади ҳамда юқорида айтиб ўтилганидек, бундай ишни амалга ошириш ўта қийин кечади. Бундай ўринларда усткурма мустақил устунларга ўрнатилган иншоот кўринишига эга бўлади. Устунлар бино параметри бўйлаб ўрнатилади ҳамда мустақил пойдеворларга таянади. Устунлар каллаклари бўйлаб усткурманинг таянчи вазифасини ўтайдиган чорчўплар (обвязка) ўрнатилади.

Бундай ҳолларда усткурма одатда ички таянчларга эга бўлмайди. Ораёпмалардан тушадиган юкламани ўзига олиш учун, уларда кўндаланг тўсинлар — пардеворлар билан бирлашган деворлар ўрнатилади. Моҳиятига кўра улар, нафақат вертикал, балки горизонтал юкламани ҳам қабул қилувчи юқориси чўзилган юпқа деворли горизонтал ромларнинг элементларидир. Девор-тўсинлар бир ёки икки қават баландликка эга бўлади. Уларда эшик ўринлари очилади. Горизонтал арматурани яхшироқ жойлаштириш учун эса, уларнинг юқори ва пастки чеккаларидаги кесим кўпайтирилади ҳамда таврли шаклга келтирилади.

ҲОЛАТ ТАРХИ

Лойихаланаётган «*Кўп қаватли турар жой биносининг архитектура ва дизайн ечими*» Бухоро шаҳридаги мулжалланган бўлиб, аҳолига турар жой вазифасини уташидан ташкари, ўзида куплаб функцияларни мужассамлаштирган.

“Кўп қаватли турар жой биноси”га ажратилган ер майдони га тенг.

Турар-жой биноларини шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида жойлаштиришни шаҳарсозлик лойиҳаси бўйича ШНК 2.07.01 нинг талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак. 5 қаватли бинолар йирик шаҳарларнинг марказида қуриш учун қўллаш мумкин. Шунга асосан малакавий битирув ишида лойиҳалаштирилган турар-жой биносини *Бухоро шаҳридаги* Пиридасгир кўчаси бўйида жойлаштирилган бинони қуриш таклиф этилади. Бинонинг ён томонида кўп қаватли турар жой бинолари мавжуд.

Лойиҳавий таклиф шу ҳудудни архитектуравий ва бадий композицион ечимини ечиш мақсадида лойиҳа таклифи киритилди.

МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА МАКСАДИ

Бу иншоотни лойиҳалашдан мақсад, аҳолини қулай уй-жой билан таъминлашдир.

Иншоотни бундай шаклда лойиҳаланлигидан мақсад жаҳон микёсида архитектурани жадаллик билан ривожланиб бораётганлиги архитектурага турли мураккаб шакл ва

конструкциялар киритилиб, шу билан архитектурани янада гузаллигини таъминлашдир.

БОШ РЕЖА

Бош режа лойиҳалашда, аввало бино жойлашган ер майдонининг рельефни, атрофидаги мавжуд бино ва иншоотлар ҳолатини, ишлаб чиқариш корхоналари, маиший хизмат шахобчалари функционал жиҳатлари, лойиҳада режалаштирилган бино жойлашаши ҳолатининг қуёшга нисбатан ҳолатини ўрганиб чиқиш ва шаҳарсозлик нормаларига қатъий риоя қилиниши лозим. (ШНК 2.08.01.05 талабларини инобатга олиш шарт.).

Малакавий битирув ишида таклиф этилган турар-жой биносиини Бухоро шаҳри худудида жойлашганини инобатга олиб, юқорида қайд этилган нормалардан келиб чиққан ҳолда бинони бош тархини лойиҳалашда шамол йўналиши, қуёш ориентацияси, ишлаб чиқариш иншоотларини шамол йўналишини паст томонига жойлашгани инобатга олинган.

Бино атрофида ёнгин хавфсизлиги талабларига мос йўллар, ландшафт кўкаламзорлаштириш майдонлари ва пиёдалар учун йўллар, шахсий автомобиллар турадиган махсус жойлар (стоянка)лар лойиҳада инобатга олинган.

Ҳар қандай турар-жой биносини бош режаси ишланганда у инсонларга қулай яшаш учун шарт-шароит яратиш ва шаҳарсозлик нормалари талабларига амал қилинади. Турар-жой биносини жойлаштиришда уни ориентациясига катта аҳамият бериш керак.

Бинонинг тархий ечимида жойлашган савдо дукони, дорихона ва аёллар учун гузаллик салонлари алоҳида кириш йўлаклари билан лойиҳалаштирилган, бундан ташқари кўча ҳаракати хавфсизлиги чоралари инобатга олинган.

Архитектуравий-режалаштириш ечими

“Кўп каватли турар жой биноси” 5 та кават ва пентхаус ҳам жойлашилган, унда, дорихона ,савдо дуконлари, аёллар учун гўзаллик салони, маиший хизмат дукони жойлашган. Шундай қилиб ушбу композиция маълум бир мақсадда танланган ва лойиҳалаштирилган: 1-каватда, дорихона ,савдо дуконлари, аёллар учун гўзаллик салони, маиший хизмат дукони жойлашган , қолган каватларда еса 1 хонали-2 хонали-3 хонали тураржой уйлари лойиҳаланган . Бундан ташқари биринчи каватда тураржой

уйларига кириш эшиклари жойлашган бўлиб хонадон егаларига хизмат қилади.

БОШ ТАРХ.

Куп каватли турар жой биноси Бухоро шаҳрида Пиридасги кучасида жойлашган .
Атрофи жамоат бинолар билан уралган. Транспорт катнови кулай. Бино транспорт
йулидан 100 м ичкарида жойлашган ва қушимча дарахтлар билан уралган, бу бинони
чанг ва шовкиндан химоя қилади.

Хоналар таркиби.

1- Кават.

- 1.Гузаллаик салони ёрдамчи хоналари билан 180 м2.
- 2.Дорихона ёрдамчи хоналари билан 74 м2.
- 3.Савдо маркази 84 м2.
- 4.Савдо маркази 135 м2.
- 5.Маиший савдо маркази ёрдамчи хоналари билан 165 м2
6. 1 хонали уйлар 45 м2 дан ташкил топган.

2,3,4,5 - Кават.

- 1.2 хонали уйлар 52 м2
- 2.3 хонали уйлар 76м2
- 3.Пентхаусдан иборат.

Фасад замонавий (modern) стилида лойихаланган.

Конструкция қисми.

Маслаҳатчи: доц.Сайфиддинов С.

Битирувчи: Нуруллаева М.Ш.

Бинонинг конструкция қисми.

Архитектура функционалик ва яхлитлик, қулайлик ва чирой каби талаблар билан бир қаторда техник умумийлик ва тежамкорлик талаблари қўйилади. Зиналарнинг тўғри тақсимланганлиги, жиҳозлар ва муҳандислик асбоблари тўғри жойлаштирилган бино қулайлигини оширади.

Бино 5 қаватдан иборат бўлиб, қаватлар зина билан боғланган.

Бинонинг ертўла қисмида машиналар тўхташ жойи жойлашган. Бинонинг биринчи қаватида савдо марказлари жойлашган. Бинонинг 2,3,4, қаватларида 2 хонали ва 3 хонали хонадонлар таркиб топган. 5-қаватда 2 хонали уй ва пентхаусдан иборат.

Темирбетон конструкциялари бўлими (КЖ).

Бу бўлим лойиҳалашга берилган топшириқ асосида лойиҳаланган. Бу бўлимда лойиҳалашга берилган топшириқга асосан бино қурилишининг ишчи чизмалари лойиҳалари ишлаб чиқилган. Лойиҳаланаётган бино – ертўла қавати билан биргаликда 6 қаватли, бўлиб, ҳарорат чоки билан бўлинган. Бинони юк кўтарувчи негизи яъни устунлар монолит темирбетонлардан лойиҳаланган. Бино тагида В20 (М250) синфли портландцементда тайёрланган монолит темирбетон яхлит пойдеворли қилиб лойиҳаланган. Қаватлараро ёпмалар 1.141.1ё – 28с,40с. серияси бўйича ғовакли йиғма темирбетон плиталардан, зиналар 1.050.1 – 1с серияси бўйича йиғма темирбетонлардан, сарбасталар, бикрлик диафрагмалари, боғловчи тўсинлар (обвязочные балки) ҳам, қурилиш майдонида темирбетонлардан монолит усулда ўрнатилади.

Металл конструкциялари (КМ) бўлими.

Металл конструкциялари ҚМҚ 3.03.02 – 98 —Металл конструкциялари, ишлаб чиқариш қондаси», ҚМҚ 3.04.02 – 97 Коррозиядан ҳимоялаш. Ишлаб чиқариш ва қабул қилиш қондасига биноан тайёрланади. Металл конструкциялари элементлари бўйича ҳамма ишларни меъёрий ҳужжатлар талабларига биноан бажарилган.

1. Пайвандланган бирикмали конструкцияларда А – III, маркази 25Г2с бўлган арматура пўлати қабул қилинган.

2. Пайвандли бирикмаларни қабул қилинмайдиган конструкцияларда А – III, 35ГС арматура пўлатлари ишлатилган.

Металл конструкцияларининг коррозияга қарши ҳимояланиши ҚМҚ 2.03.11 – 96 «Иншоотларни ва қурилиш конструкцияларини коррозиядан ҳимоялаш» қоидаларига мувофиқ бажарилади. Ҳамма металл конструкциялари бир – бири билан пайвандли боғланган.

Пайвандлаш материаллари ҚМҚ 2.03.05 – 97, 55 – жадвал бўйича қабул қилинган. Металл конструкциялари элементларини бирлаштиришда қўлда қилинадиган монтаж пайвандлаш ишларини С345 пўлатидан Э42А электродларида ишлаб чиқилади. Бурчак чокларининг ҳамма минимал ўлчамлари ҚМҚ 2.03.05 – 97 —Пўлат конструкциялари. Лойиҳалаш асослари 14.1 – жадвал бўйича қабул қилинади.

ПОЙДЕВОРЛАР

Пойдеворлар – ер ости конструкциялари бўлиб, ўзидан юқорида турган конструкциялар оғирликларини қабул қилиб, грунтларга узатиб берувчи конструкциялардир. Пойдеворга юқоридан девор ва устунларнинг хусусий оғирлиги, пастдан эса заминнинг тескари босими таъсир этади. Иншоот замини деганда юқоридан тушаётган юкни қабул қиладиган ҳамда шу юк таъсирида кучланиш ва деформация ҳолатида бўладиган грунт массаси тушунилади. Замин қанча кам ва текис деформацияланса, унинг қурилиш сифатлари шунча юқори бўлади; иншоотда қўшимча кучланишлар шунча кам ҳосил бўлади. Иншоот ва грунтга мос пойдевор танлаш лойиҳалаштиришнинг муҳим масалаларидан биридир. Замин ва пойдеворларнинг бир неча вариантлари техник иқтисодий анализ қилиш йўли билан унинг ишчи варианты қабул қилинади. Пойдеворлар етарли даражада мустаҳкам, пухта, совуққа ва ер ости сувларининг агрессив

таъсирига чидамли бўлиши керак. Пойдеворнинг тархдаги ўлчамлари шундай олиниши керакки, юқоридан тушаётган ҳисобий юклар таъсирида пойдевор остки сиртида ҳосил бўладиган ўртача босим, грунтга бериладиган босимдан ортиб кетмасин; пойдеворнинг чўкиши нормада кўрсатилган даражада бўлиши керак. Ҳар қандай пойдевор лойиҳасида иккита характерли текислик бўлади, иншоот таянувчи устки сирт (устки текислик) ҳамда грунт билан туташиб турувчи остки сирт (остки текислик). Пойдеворлар чуқурлиги, юк таъсирида ишлаш характери, конструктив шакли, материали, вазифаси ҳамда ишланиш услубига кўра бир неча турларга бўлинади. Чуқурлигига кўра саёз ва чуқур (ертўлали) пойдеворлар бўлади. Лойиҳа шаклига кўра алоҳида, яхлит лентасимон, массив, аралаш ва қозикли пойдеворлар бўлади. Иморатларнинг катта ёки кичиклигига қараб, пойдеворларга тушадиган юкнинг вазни ҳам ҳар хил бўлади. Айти бир пайтда пойдевор заминидаги грунтнинг физик механик хоссалари ҳам турличадир. Шунинг учун ҳам пойдеворларнинг чуқурлиги бирдай бўлмайди. Пойдевор туби ер сиртига қанча яқин бўлса, у шунча арзон тушади, шу боисдан пойдеворларни юзароқ олишга ҳаракат қилинади. Бироқ грунтнинг юқори қатламлари кўпинча заминга қўйиладиган талабларни қондира олмайди. Юқори қатлам грунтлари, биринчидан, ўта сиқилувчан ва кучсиз бўлади, иккинчидан, ёғин- сочин ҳамда ўсимликлар таъсирида ўз ҳажми ва мустаҳкамлигини мунтазам ўзгартириб туради. Бироқ грунтнинг юқори қатламлари кўпинча заминга қўйиладиган талабларни қондира олмайди. Юқори қатлам грунтлари, биринчидан, ўта сиқилувчан ва кучсиз бўлади, иккинчидан, ёғин- сочин ҳамда ўсимликлар таъсирида ўз ҳажми ва мустаҳкамлигини мунтазам ўзгартириб туради. Пойдеворнинг рационал чуқурлигини танлаш бинонинг лойиҳасига ва вазифасига, пойдеворга бериладиган юкнинг миқдорига, қурилиш майдончасининг геологик ва гидрогеологик шароитига, шунингдек грунтнинг музлаш чуқурлигига боғлиқдир. Ана шу шароитларни ҳисобга олиб, пойдевор чуқурлиги бир неча вариантда ишлаб чиқилади ҳамда иқтисодий жиҳатдан энг тежамлиси қабул қилинади. Агар грунт кўпчийдиган (ҳажми кенгаядиган) бўлса, пойдевор чуқурлигини белгилашда грунтнинг музлаш ва эриш сатҳи ҳисобга олинади, чунки бундай грунтлар музлаганда кенгаяди, эриганда чўкади. Пойдеворнинг туби музлаш доирасида

бўлса, унга грунтнинг кенгайишидан ҳосил бўладиган босим кучи таъсир этади. Агар босим кучи пойдеворнинг грунтга берадиган босимидан катта бўлса, у ҳолда пойдевор нотекис кўтарилиши, грунт эриганда эса, нотекис чўкиши мумкин. Бу ҳол пойдевор мустаҳкамлигига салбий таъсир этади.

ДЕВОРЛАР

Девор конструкцияларини танлаш, биноларни лойиҳалашда энг асосий масалалардан биридир, чунки деворларнинг қиймати, бутун бино қийматининг муҳим қисмини ташкил этади. Бинонинг мустаҳкамлиги ва устиворлиги: юклар турига, материаллар сифатига, деворларнинг бошқа конструкциялар билан боғланиш системасига, бинонинг яратилиш ва эксплуатация қилиш шарт – шароитларига боғлиқ. Ёиштли деворлар қалинлиги 380 мм. бўлиб, М75 маркали ёишддан М50 қоришмада тайёрланади. Ёиштин теримлар сеткалар билан арматураланган бўлиб, қадами 675 мм. ни ташкил қилади. Ёиштин теримлар штукатуркалар билан сувоқ қилинади, ҳамда фасадда ишлатиладиган бўёқлар билан бўялади. Фасадни бўяш ишлари фақатгина декоратив мақсадларда эмас, балки бинонинг узок муддатлилигини ҳам оширади, чунки ташқи ҳаво муҳити агрессив бўлганда, бўёқнинг плёнкаси девор сиртини ташқи муҳит таъсирларидан сақлайди. Пойдеворларнинг чуқурлиги носейсмик районлардаги каби олинади. Юк кўтарувчи конструкциялар остида яхлит (сплошной) моноклит пойдевор ишлаштиш мақсадга мувофиқдир. Лойиҳаланаётган бинонинг ертўла деворлари қалинлиги 250мм, маркаси 200 бўлган бетонлардан тикланади; темирбетон деворларнинг четларидан чиқиб турган арматуралар уларни вертикал ва горизонтал чоклар бўйича қўшни элементларга мустаҳкам боғлаш имконини беради. Пряжка ва ертўлага тушиш деворлари штукатурка қилиниб, тарз бўёқлари билан бўялади. Ошхона хоналари бўйича керамик плиткаларни қоплаш керак.

ПАРДАДЕВОРЛАР

Пардадеворлар ички вертикал тўсиб турувчи конструкция ҳисобланиб, бир хонани иккинчи хонадан ажратиб туради. Пардадеворлар ўз оғирлигини

ёпмаларга ёки грунтга қурилган пол заминига узатади. Пардадеворлар кўп фойдали юзани банд қилмаслиги учун юпқа, енгил, юзаси силлиқ, кирланганда осон тозаланиши, етарли даражада пишиқ, турғун ва ўтга чидамли бўлиши керак.

Пардадеворлар ички девор гуруҳлари таркибига кириб кўндаланг ва бўйлама йўналишда жойланиши мумкин. Меъёрий ҳужжатларга асосан квартиралараро пардадеворларнинг товуш ўтказмаслик хусусияти 0 дБ га тенг хоналар орасида 9 дБ бўлиши керак (дБ – товуш босимининг ўлчов бирлиги) инсоннинг товуш босими тўлқинларини қабул қилиш қобилияти 0 билан 120 дБ оралиғида ётади. Парда деворнинг массаси ошган сари товуш ўтказмаслик хусусияти ҳам ортиб боради. Товуш энергияси зичликлари ҳар ҳил бўлган кўп қатламли пардадеворлардан ўтганда ўз кучини йўқотади. Агар қатламлар орасида бўшлиқ кўзда тутилса бундай девор товуш ўтказмайди. Бинонинг турига қараб пардадеворлар ўтга чидамли ёки ёнмайдиган бўлиши керак.

Материалига қараб пардадеворлар асосан уч ҳил гипс – бетон панелли майда тош (ғишт, майда блок)лардан ва кам қаватли уйларда ёғоч материаллардан тайёрланади. Оммавий турар жой бинолари қурилишида индустриал гипс – бетон плиталари ишлатилади. Бундай плиталарнинг ўлчами хона ўлчамига тенг қилиб тайёрланади. Қурилиш усулига кўра парда деворлар майда – йиғма, йирик – йиғма ва комбинациялашган турларга бўлинади. Вазифаси бўйича стационар ёки кўзғалмас ва кўзғалувчи бўлади. Парда деворларнинг ораёпмалар, юк кўтарувчи деворлар билан туташтириш усуллари ҳилма – ҳил мосламалар ёрдамида амалга оширилади. Ушбу лойиҳаланаётган бинода ғиштли ва гисокартон пардадеворлар ишлатилган. Бинода ишлатилган ҳамма пардеворларнинг қалинлиги 250 ва 120 мм дан иборат. Пардеворлар қуриш олдида қуйидаги ишлар бажарилади:

- пардадеворнинг бўйлама ўқи, асосий деворларга туташадиган жойлари, эшик ўрни режаланади ва унинг ўлчамлари кўрсатилади;
- пардадевор асоси қоришма қуйиб текисланади ёки антисептик воситалар шимдирилган ёғоч таглик ўрнатилади; андазалар, режа тахталар ва бошқа мосламалар ўрнатилади.

Пардадеворлар ўрнатилгандан кейин ҳамма чокларини шпаклевка қилиш керак ва ҳамма ёғоч элементларни антипирен билан тўйдириш лозим.

Лойиҳаланаётган бино ғиштли ва гипс картонли пардадевор қалинлиги 250 ва 120мм ва пардадеворлардан иборат.

З И Н А Л А Р

Зиналар қаватлар орасидаги алоқани амалга оширишга хизмат қилувчи асосий юк кўтарувчи конструкциялардир. Бундан ташқари зиналар табиий офат, ёнғин ва авария вақтида кишиларни бинодан тез эвакуация қилиш хизматини бажариши керак. Зиналар вазифасига қараб қуйидаги ҳилларга бўлинади:

- асосий ва ёрдамчи зиналар, қаватлар орасида кишиларнинг кундалик оммовий қатнови ва бинодан ташқарига чиқиш учун хизмат қиладиган зиналар.
- ёрдамчи зиналарга – ўт ўчиришда, авария вақтида фойдаланиладиган, чордоққа чиқиш ва ертўлага тушиш учун хизмат қиладиган зиналар киради.

Зиналар қия жойлашган маршлар, горизонтал супачалар ва ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи тутқичлардан иборатдир. Зина деворлари етарли даражада ўтга чидамли бўлган махсус хоналарда зина катакларида қурилади. Бинодаги зиналарнинг сони, жойлашиши, ўлчамлари, қабул қилинган бинонинг архитектура – тархий ечимига, қаватлар сонига, одамлар ҳаракати оқимининг шиддатига (интенсивлигига) бевосита боғлиқдир.

Зиналар қуйидаги асосий талабларга жавоб бериш керак: мустаҳкамлик, ҳаракат хавфсизлиги, ёнғиндан хавфсизлик, ҳаракат вақтида толиқмаслик, гигиена, иқтисодий ва ҳ.к. Қаватлараро зиналардаги маршларнинг сонига кўра 1,2,3,4 маршли зиналар бўлади.

Зиналар материалига кўра: ёғоч, пўлат, темир – бетон,

Йиғмалик даражасига кўра: яхлит, йиғма, йиғма блокли бўлади.

Асосий зинапояларнинг баландлиги билан энининг ўлчамлари 1:2 да қабул қилинган, яъни 150 мм : 300 мм. Зина маршининг қиялик бурчаги $\alpha = 27^\circ$ ни ташкил қилади.

Зина маршининг қиялиги унинг эни унинг бинодаги ўрни ва бажарадиган вазифасига боғлиқ одатда горизонтал текисликда ўртача инсон қадамининг

узунлиги 500 – 600 мм ташкил этади. Зинадан кўтарилиш қулай бўлиш учун зинапоя ўлчамлари қадам узунлигига тенглаштирилган яъни, зинапоя баландлиги (В) ва энининг (Э) ўлчамлари $\text{Э}=2\text{В}=300 \times 2=600$ ммни ташкил қилади.

Асосий зиналарнинг бир маршидаги зинапоялар сони 18 дан ортиқ ва 3 тадан кам бўлмаслиги керак.

Маршлар орасида энг камида эни 100 мм га тенг бўшлиқ қолдирилиши керак (ёнгинни ўчириш шлангаларини ўтказиш учун).

-Конструктив ечимига кўра капитал қурилишда зиналар 2 та асосий ечим асосида индустриал усулда тайёрланмоқда. Йирик бир қават учун ҳар бирининг оғирлиги 101,5 тонна бўлган 5 та элементдан иборат, яъни 3 та супача ва 2 та марш.

- оғирлиги 3 тонна атрофидаги 2 та элементдан иборат. Зина марши 2та ярим супа билан бирга қуйма равишда тайёрланган, яъни йириклаштирилган элементлардан ташкил топган зиналар маршларининг ва супачаларининг шакллари турлича бўлиши мумкин.

Пўлат *косоурларга* (ёнбош) ўрнатиладиган темирбетон зинапояли зиналар асосан пўлат каркасли биноларда ишлатилади.

Зинапоялар бруслар ёки тахтадан тайёрланган торлардан (*метива*) иборат бўлиши ҳам мумкин.

ҚАВАТЛАРАРО ЁПМАЛАР

Қаватлараро ёпмалар ички юк кўтарувчи ва тўсиб турувчи горизонтал конструкциялар бўлиб, бионинг баландлиги бўйича қаватларга бўлиб туради. Қаватлараро ёпмалар ўзининг хусусий оғирлигини, вертикал тўсиб турувчи конструкциялар юкини, ундан ташқари, интерьерда жойлашган предметлар, асбоб ускуналар, одамлар юklarини кўтариб бу юкларни бионинг юк кўтарувчи деворига узатиб беради. Қаватлараро ёпмалар овоз изоляцияси ва иссиқлик изоляцияларини таъминлайди, ҳамда қаттиқлик ва мустаҳкамлик талабларига жавоб беради. Қаватлараро ёпмалар муҳимлиги, конструктив тузулишининг мураккаблиги ва нархига кўра бино деворлари каби муҳим ва маъсулиятли конструкция ҳисобланади.

Қаватлараро ёпмалар умумий бино нархининг 20 %, сарфланган меҳнат

миқдори 25% ни ташкил қилади. Қаватлараро ёпмалар жойлашиш ўрнига кўра: а) қаватлараро ёпмалар; б) чордоқдан ажралиб турувчи ёпмалар; в) ертўла қаватидан ажратиб турувчи ёпмаларга бўлинади.

Акустик хусусиятларига кўра: а) акустик бир таркибли; б) акустик кўп таркибли. Конструктив турига кўра: а) тўсинли; б) йиғма темирбетон панеллардан қилинган; в) яхлит темирбетон; г) тўсинсиз ёпмалар. Статик ишига кўра ёпмалар асосан эгилишга ишлайди.

Қаватлараро ёпмаларнинг эгилиш чегараси, ёпма узунлигининг $1/200 - 1/400$ дан ортмаслиги керак. Ёпмаларга таъсир этувчи кучлар ёпмаларнинг конструктив турини танлашда асосий омил ҳисобланади. Энг оммавий ҳисобланадиган қаватлараро ёпмалар тури ичи қавакли плиталардир. Бу турдаги плиталар унификацияланган ва индустриал бўлиб, саноат фуқаро бинолари қаватлараро ёпмаларининг асосий хили ҳисобланади. Қаватлараро ёпмаларнинг темирбетон балкали тури ҳам кенг тарқалган.

Сейсмомустаҳкам биноларнинг ёпма панеллари хона ўлчамида ясалиб, тўрттала қирраси билан деворга тиралиши лозим. Ёпма панеллар яхлит ёки ғовакли плиталардан тайёрланади. Агарда ёпма алоҳида элементлардан ташкил топган бўлса, у ҳолда элементлар мустаҳкам бирикиб, сейсмик кучларни тақсим қилаоладиган, бикир горизонтал диск ҳосил қилиши керак. Бунинг учун панель чеккаларида ўйиқлар ва очик арматуралар қолдирилади. Арматуралар кўшни элемент арматуралари билан кавшарланади, сўнг ўйиқлар бетон билан қопланади. Натижада ҳосил бўлган шпонка туташ панелларнинг ўзаро силжишига ва узилишига қаршилик кўрсатади.

Яхлит ёпма плиталарнинг тиралиш юзаси девор панелларининг қалинлигига боғлиқ. Панель қалинлиги 12, 14 ва 16 см бўлса, тиралиш масофаси камида 56 см олинади. Ёпма панеллар девор панеллари устига тўшалган, маркаси 100 дан ортиқ бўлган цемент қоришма қатламига ўрнатилади. Бу юқори қават элементларининг оғирлигини остки қават деворларига барча тиралиш юзалари бўйича бир меъёردа узатилишини таъминлайди.

«Бухоро шаҳрида кўп қаватли турар-жой биноси» нинг қаватлараро ёпмалар

конструкциялари темир бетондан йиғма усулда яратилади. Қаватлараро ёпмаларнинг қалинлиги 220 мм.

ПОЛЛАР

Қаватлараро ёпмалар устидан поллар ўрнатилади. Поллар асосан қўл кучи билан бажариладиган бинонинг ички горизонтал сатҳи ҳисобланади.

Поллар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак: мустаҳкамлик ва чидамлилиқ, гигиеник, бадиий, акустик ва ҳ.к.

Поллар қўйидаги хусусиятларига кўра классификацияланди.

- қаватлар сонига кўра: бир ёки кўп қаватли;
- материалларга кўра: ёғоч (тахта ёки паркет), рулон (линолеум), бетон (яхлит ва плита шаклида), керамик, асфальт (яхлит ва плита шаклида) ва бошқа ҳил полларга бўлинади.
- акустик хусусиятларига кўра: яхлит яъни, бир таркибли кўп қатламли полларга бўлинади.

Турар жой биноларида полларга урилишдан ҳосил бўлган шовқин 70 дБ дан ортиши мумкин эмас. Ишлатилиш жойига кўра қўйидаги конструктив элементлардан ташкил топади:

- а) полда фойдаланиш жараёнида ишқаланишга учрайдиган устки кавати тоза пол ёки пол ёпмаси;
- б) пол ёпмасининг пастки қатламлар билан боғлайдиган оралиқ қатлам;
- в) иссиқлик ва товушдан ҳимоя қилувчи қатлам устидаги текисловчи қатлам;
- г) иссиқлик, товуш ва намликдан ҳимоя қилувчи қатлам;
- д) оралиқ ёпма қатлами (ертўласиз уйларда шиббаланган грунт қатлами).

БАДИЙ ДИЗАЙН КИСМИ.

Рахбар.Зойиров Г.А
Битирувчи.Нуруллаева М.Ш.

Бинонинг бадий дизайн ечими.

Архитектура функционалик ва яхлитлик, қулайлик ва чирой каби талаблар билан бир каторда техник умумийлик ва тежамкорлик талаблари қўйилади. Зиналарнинг тугри тақсимланганлиги, жиҳозлар ва муҳандислик асбоблари тугри жойлаштирилган бино қулайлигини оширади.

Бино 5 каватдан иборат бўлиб, каватлар зина билан боғланган.

Бинонинг подвал қисмида машиналар тухташ жойи жойлашган. Бинонинг биринчи каватида савдо марказлари ва 1 хонали хонадонлар жойлашган. Бинонинг 2,3,4, каватларида 2 хонали ва 3 хонали хонадонлар таркиб топган. 5-каватда 2 хонали уй ва пентхаусдан иборат.

Бинонинг қурилиши яхши лойihalаштирилган бўлиб, дизайн талабларга жавоб беради.

Интерьер – бу инсонга катта эстетик ва психофизиологик таъсирга эга бўлган мураккаб тушунча.

Хона, зал ва кабинетларда инсон фаолиятини олиб бориш учун қулай шароит яратилган бўлиши керак. Буни бир сўз билан комфорт дейилади. Умумий комфорт бу кўп қиррали тушунча. Бунга экологик, функционал ва эстетик комфортлар киради.

Экологик комфорт инсон организмга оптимал бўлган ҳаво ҳарорати, намлиги, ҳаракат тезлиги, қуёш нурлари таъсири тушунчалар йиғиндисидан яратилади.

Бошқача қилиб айтганда, бу кўрсаткичлар микроклимни ташкил қилади. Микроклимни муҳим компонентларидан табиий ёритиш ва инсталляция (хонага бевосита қуёш нурининг тушиши). Турар жой хоналарида ҳамда жамоат биноларидаги хоналарда одам мунтазам равишда кўп вақт фаолият кўрсатса, санитар меъёрлари бўйича инсталляция вақти бир кунда 3 соатдан кам бўлмаслиги керак.

Функционал комфорт бу хонадон фойдаланиш қулайлиги. Бунда биз инсонни асосий функционал жараёнларини: уйку, овқатланиш, дам олиш, шахсий гигиена, меҳнат ва хоказо бажаришга хонада шароит яратилган бўлиши лозим.

Агар битта хонада бир нечта функционал жараёнлар бажарилса, унда функционал зоналаш бажарилади. Функционал зоналашни жиҳозлар ва мебеллар ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Интерьерни эстетик comfortи деганда, авваламбор, ундаги деворий безакларни,

мебелларни, жихозларни, узаро боғлиқлигини, мутаносиблигини, умуман олганда гармониясини тушинилади. Хона мухити эстетикасини ёки бошқа суз билан айтганда интерьер жозибасига эришиш учун бир канча масалаларни ечиш лозим. Буларнинг асосийлари – хонанинг фазовий- композицияс, сатхларнинг ранг ечими, мебел, жихозлар ва декоратив деталлар дизайн ечими, хона ёритилиши ва х.к.

Дизайнер авваламбор хонани композицион ечимини хал килиш керак.

Композицион ечим маълум бир йуналишда, системада бажарилади. Бошқача килиб айтганда, стил бирлигида бажарилади.

Стил сузи латинча “style” – ёзув стержени(уки)дан олинган. Демак стил- бу ички ук, ички асосий мохият, колган нарсалар унга боғланади ва буйсунади. Деворий безаклардан тортиб то мебел, жихозлар, идиш товоқларгача хаммаси бир йуналишда (стилда) бажарилиши керак.

Умуман олганда интерьер стилистик йуналишларини 3 гуруҳга булиш мумкин. Булар – тарихий, замонавий ва этник стиллар. Улар хам уз урнида бир нечта шахобчаларга булинади. Қадимги Рим ва Юнон архитектура анъаналари буйича бажариладиган интерьерларни «тарихий» ёки «купрок классик» деб аташади. Хозирги даврда анъанавий интерьерлар тарихада маълум булган барроко ва классицизм йуналишларини стилизацияси (кайта ишлаш) оркали яратилади.

Хар бир давр интерьер ечими йуналишига бир қадар узгаришлар киритади. Хозир янги синтетик материаллар пайдо булди,мебел ва жихозлар юкори технологик савияда бажарилмокда. Шунга қарамасдан классик йуналиш хозир хам кенг қамраб олган.

Классик усулда ишланган интерьерда юкори сифатли, қиммат материаллар (дарахт , тош, ипак- мато) қулланилади. Купинча хайкалтарошлик, куйма – ганч маҳсулотлари ва классик усулдаги устунлар бу йуналишга хос. Купинча пол бадий ишлов берилган паркет билан қопланади, дерезаларга пардалар осилади., деворларга махсус интерьерга мулжалланган матолар тортилади. Куйма ёки уйма ганчларга купинча тилла хал берилади.

Мибел учун қимматбаҳо олча, ёнгок, оқ қайин дарахтларнинг ёгочдан фойдаланилади. Одатда безак учун уймакорлик эмас, дарахтнинг табиий ранги ва

фактураси курсатилади. Интерьерни безашда чинни, мой- буёкли суратлар, китоблар кулланилади.

Интерьерни ранг ечимини купинча хира пастел тусида хал килинади, масалан; оч сарик, ним яшил рангдаги деворлар сатхи, жигарранг паркет ва мебел сатхлари уйгунлигида бажарилади. Классик интерьерда ванна ва санитар хоналар иссик тусдаги оч жигарранг ва саргимтир рангларда бажарилади. Полга мармар плиткалар ётқизилади. Сув кранлари, эшик бандларига «тилла» хал берилади.

Классик интерьерда мебел вазнли ва бир оз дабдабали ишанган булиб, уни хар бир элементи уз урнини топган ва бирон бир мақсадга йуналтирилган булади. Ортикча безак ва бачканаликка йул қуйилмайди. Безаклар утган замонни эслатса ҳам, мебеллар замонавий талабларга жавоб бериш лозим. Мисол учун, шкафдаги ёки сервантда телевизор ва ДВД плеер учун махсус чиқариладиган блок урнатилади.

Замонавий (модернистик) стилларга минимализм, пуризм ва хайтек киради. Бу замонавий йуналишлар бир –биридан фарк қилса ҳам, стилистик жихатдан бир-бирларга яқин.

Пуризм – бу шаклларни оддийликка ва тозалikka чакирувчи йуналиш.

Минимализм – бу функционаллик ва безакларни минимал даражада ишлатган ҳолда интерьерни юқори даражада бажариш.

Минимализм – йуналишида ишланаётган интерьерда энг муҳими, хона фазосини тугри лойиҳалаш, унда етарли даражада ёруғлик булиши керак. Хона кенг ва баҳаво булиши учун иложи борича ичкарида урнатилган девор тусиқлардан озод қилинади.

Дерезалар иложи борича катта юзали қилиб лойиҳаланади. Минимализм йуналишида деворларни безаш учун оддий, купинча ишлов берилмаган табиий материаллардан фойдаланилади; гишт, бетон, ёғоч ва хоказо. Накшлар, уймакорлик деярли қулланилмайди. Интерьер бир нечта жозибали ишланган амалий санъат намуналари ёки деталлари орқали бадиий жихатдан бойитилади.: икебана, мой- буёк сурати, куза, инсталляция (хар хил материаллардан бир мавзуга қаратилган бадиий композиция.)

Минимализм 20 аснинг 20 йилларидаги архитектурасининг конструктивизм йуналишидан қелиб чиққан. Бу йуналишни яратишда машҳур архитекторлардан Валтер Гропиус, Мис Ван Дер Рое, Алвар Алтолар турган.

Хайтек – юкори техналогиялар йуналиши, асосан интерьерда кулланиладиган материалларни эстетикасини намоён килади. Бу йуналишда энг замонавий материаллардан: шиша, металл, бетон, тош, табиий дарахт, синтетик материалларни куллаш ва янги технологияларни намоён килиш унга хосдир. Энг асосий – бу технологик принципи, чунки хайтек авваламбор саноат стили булиб яралди. Безаклар йуклиги материаллар фактура жилоси билан копланеди. Бу мисол учун табиий дарахт голалари чизмасини намойиш килиш, нурнинг ойнадаги жилоси, сайкалланган металл сатхли трубаларни яратилиши. Енгил куйма металллар, шаффоф сатхлар ва замонавий пластиклар юкори сифати намоён килади.

Этник стил бу 4- йуналиш. Этник йуналиш – бу маълум бир мамлакатга ёки улкага хос булган меъморчилик нақшлари, ранглар, амалий санъат намуналари, уй жихозлари кулланилган замонавий интерьер ечими.

Интерьер ечимида этник услуб асосан фрагментлар равишда (интерьерни бир булагиди) кулланилади. Хонани безашди экзотик элементлар одамни маълум бир холатга тушиши ва интерьерни бадиий таъсирини ошириш учун кулланилади.

Хонадон нимадан бошланади? Агар театр гардеробдан бошланса, хонадон (куп каватли уйларда) дахлиз билан бошланади ва у билан тугайди. Шунинг учун дахлизни дахлизни бошка хоналарга караганда уз урни ва узига яраша мебели булиши лозим. Кийим ва оёк кийим учун шкаф – вешелка, кузгу. Бунга яна зонтикучун устун – илгак, оёк кийим ечиш учун стул.

Дахлиздан аста – секинлик билан бевосита ёки билвосита турар жой хонасига утилади. Шунинг учун дахлизда кандай декоратив безаклар кулланилган булса, йулакда хам шуларни куллаш мақсадга мувофиқ булади. Дахлиз интерьерини дизайн ечими усуллариининг фарки асосан деталларнинг шаклида ва уларни безашди намоён булади. Дахлиз ранг ечими хонаданни умумий ранг ечимига мос булиши керак. Бирок оч гусдаги деворлар сатхи эмоционал тарзда кичик дахлиз ва йулакни кенг килиб курсатади. Бунда кузгуларни сунъий ёритиш иллюзор равишда чексиз мухит яратилганлигини курсатади.

Дизайнерни вазифаси деворни курук геометриясини декоратив равишда ишлов бериш ва бежиримлик, кулайлик яратиш. Ушбу мақсадга хайкалтарошлик асарлари, ёритгичлар, амалий санъат асарлари хизмат килади.

2 сатҳда жойлашган хонадонларда дахлизда ички зина пайдо булади, дахлиз баландлигини 2 каватга тенг килиб олиш мумкин. Бундай дахлизларни холл деб атаса ҳам булади ва ундан барча хоналарга бевосита кириш мумкин. Авваламбор дахлиздан бевосита умумий хонага кириш имкониятига булиши керак. У ерда барча оила аъзолари гупланишади., дам олишади, овкатланишади. Шунинг учун умумий хона 2 зонага: дам олиш ва овкатланиш зоналарига булиш мақсадга мувофиқ. Овкатланиш зонаси купинча ошхонага яқинроқ жойлаштирилади. Замонавий дизайн йуналиши буйича бир хона фазоси иккинчисига бевосита утиб кетади. Мисол учун, дахлиз мухити аста – секин бевосита умумий хонани дам олиш зонасига утиб кетади. Овкатланиш зонаси бевосита ошхона фазоси билан боғланиб кетади. Улар уртасида девор булмайди, фақат баландлиги 1,2 м булган бар (тусик) ажратиб туради.

Шундай килиб эмоционал равишда ва куринишга хонадон фазоси кенграйтилади. Айтилган мақсадни кузлаб куп каватли уйларда ҳам ёзги хонани (умумий хона олдида веранда туридаги ёзги хонани) катта дарча оркали умумий хона билан боғлашади ва овкатланиш зонасини верандага олиб чикишади.

Умумий хона юзаси яна кам кенгайиб,дам олиш зонасининг юзаси деярли 2 барабар ошади ва умуман олганда, бу хона меҳмонхонага айланиб қолади. Ёзда, гашкарида 25-300 С иссик булган пайтда, веранданинг очилган катта ойналари оркали хонада етарлича ҳаво ҳаракати таъминланади ва овкатланиш, ҳамда кечки дам олиш учун қулай шароит яратиб беради. Умумий хона деразаси веранда ровонларига қучади. Веранда ровонлари бардаларини замонавий штора- жалюзи шаклида ишлаш мақсадга мувофиқ (узаро боғланган ҳамда дераза баландлигига тенг булган алоҳида пластинкалардан иборат замонавий материаллардан ишланган парда.).Бундай пардалар дераза тавакалари очик ҳолатда яхши ҳаво алмашинувини ҳамда қуёш нурларидан саклашни таъминлаб беради.

Агар хонадонда алоҳида меҳмонхона булмаса, дам олиш зонаси меҳмонлар қутиш зонасига айлантирилади. Алоҳида овкатланиш хонасида сервант,комод, катта стол қабимебеллар қуйилади. Стол тепасига люстра осиб қуйиш мақсадга мувофиқ. Дам олиш зонасида торшер,бра қабии ёритгичлар урнатилади. Агар шифт 2 ёки 3 ярусли ишланган булса, бир нечта нукталиголаген ёритгичларни пастки катлам теклигида ёки 2та катлам орасида фазода жойлаштириш мумкин. Шифт катламларининг ранг ечими

хар хил булиши мумкин, аммо тон (тус) жихатдан улар оч булиши лозим. Шунда хона эмоционал равишда баландрок куринади. Агар ёритгичлар жойини топиб, уз урнида куйилган булса, шифт- баланд куришиб, хона шинам булади, акси булса одам рухиятига салбий таъсир килади. Ёритгичларни танлаётганда хона зоналарини ва кун давомида ёритиш микдорини узгашиб боришини хисобга олиш лозим булади. Сунъий ёруглик билан интерьер деталини; санъат асарини, шифтдаги ганч безагини, кабинетдаги ишчи столни алохида ургулаб курсатиш мумкин.

Умумий хонада, меҳмонхонада, ётокхонада, болалар хонасида, кабинетда полнинг устки катламини паркет ёки таркет билан коплаш мақсадга мувофиқ булади. Меҳмонхона, умумий хонада паркет полга гул тушуриб ушлаш интерьер дизайннини бойитади. Полга гулни шу паркетни булакчаларидан ишланади, аммо туси фонга нисбатан очроқ ёки тукроқ килиб олинади. Гилямни бутун хона юзасини копламасдан, фақат овкатланиш столи ёки журнал столи тагига кроват ёнига солиш тавсия этади. 2 сатхда ҳал килинадиган хонадонларида умумий хона ёки меҳмонхонанинг баландлигини 2 каватга тенг килиб олиш айрим жихатлардан хонадонни – тархий ечимига афзалликлар бағишлайди. Умумий хонани ҳажми 2 барабар ошади, у ҳақиқатан хонадон тархий марказига айланади.

Ҳозирги кунда хоналарда девор сатхларини “гулли коғоз” ёки интерьер учун мулжалланган мато билан коплашади, купинча сувда ерийдиган бўёқлар билан безалади. Девор сатхларига қисман қимматбаҳо ёғоч тахталари, кузгулар урнатилиши лозим.

Хонадонда шифтни энг оддий ҳал килиниши – бу шифт сатхини текислаб, сунгра битта рангда буяш. Шифт параметри бўйича куйма гипс тахталалари урнатилади. Шифтнинг дизайн ечимини бойитиш учун кенг куламда гипсакартон куллана бошланади. (калинлиги 8-12 мм, юзаси 3-3.5 м² бўлган уралган гипс тахталари).

Натижада 2-3 катламли шифтлар пайдо булади. Ёритгичлар шифт катламларнинг орасига ва пастки катламини тагига урнатилади.

Ҳозир Европа давлатларида махсус материал тортилган шифтлар куллана бошланади. Бирок бундай шифтларни куриш анча қимматга тушади. Шу сабабли бизнинг мамлакатда у ҳозирча қам кулланилаяпти.

Ошхона

Ошхона – бу шундай хонаки, у ерда овкат тайёрланади ва пиширилади. Шу мақсадни кузлаб ошхонада тегишли жихозлар ва мебел урнатилади. Жихоз ва мебелларни урнатиш куйидаги вариантларга булиниди: бир томонлама, тархда г-шаклида, п – шаклида, орол – шаклида, 2 томонлама. Ошхона зарурий жихозлари: газ ёки электр плита, дудмури, идиш ювиш учун раковина, ишчи стол, музлатгич. Ишчи столи, мойка, газ плита баландлиги 85 см.

Ишчи столининг замонавий копланлари: зангламайдиган пулат, алюминий, утга чидамли ойна. Арзонрок копланалар: ламинат, керамик плита, пластик. Булар хаммаси куллашга кулай. Бирок ламинат юкори хароратдан буришади, керамик плита огир тогора куйса синиши мумкин, пластик кирилади.

Осма шкафлар ишчи стол сатхидан камида 45 см юкорига урнатилади. Сабаби ишчи столда кофе чойнаги, ошхона комбайни, микротулкинли плиткалар бемалол жойлашиши керак. Осма шкафларнинг балангдлиги асосан 60 см, зарур булса 90 см лиги хам ишлатиш мумкин. Агар шунда хам баъзи бир буюмлар уз урнини топмаса ва шифтгача 70-80 см жой колган булса у ерга хам шкаф полкаларини антресол шаклида урнатиш мумкин. Бурчакка урнатиладиган шкафда расталарни (полкаларни) очик ёки сурилиб очиладиган эшиклар урнатилади. – бу улардан фойдаланишни осонлаштиради.

Ишчи стол билан осма шкаф орасидаги жойни фартук деб аталади. Ишчи стол учун энг асосийси ранг ва фактура буйича узаро гармония хосил килинган. Фартук деворни ифлослардан саклаш лозим. Купинча ишчи стол сатхи нарсалар билан тлиб ётади. Айрим нарсаларни шу фартукка жойлаштириш мумкин. Микротулкинли печни кронштейнларга урнатса булади, металл пичок ва бошка майда- чуйдаларни магнит панелга осиб куйса булади.

Ошхонада стандарт мебелларни урнатганда, унинг элементлари орасида ёки улар ва девор орасида кичик жойлар хосил булиб колади. Бундай жойларга тор раста ёки кичкина стол урнатиш мумкин. Тор тумбочкада сабзитахта, сочик, бутилкалар саклаш мумкин. бу кушимча мебел материаллари асосиё мебелникидай булиши мақсадга мувофик. Агар ошхона мебелига ёгочнинг каттик турларидан (эман, ёнгок, олча, бук) ишланса у салобатли ва куркам булиб чиқади.

Ошхона юзаси имконият берса бу ерда овкатланиш учун зона ташкил

килишяҳши булади: кичкина стол(100 х 50 см),3-4 та стул. Энг афзал ечими: столни дераза олдида урнатиш, бу ерда куп табиий ёруглик булади.

Хар кандай ошхонада рақвина бўлиши лозим. Рақвиналар хар хил улчамда ва шклда ишлаб чикилади.: туртбурчакли, доира шаклидаги рақвиналар идиш – товок ювишга кулайроқ ва эстетик жхатдан афзал. Рақвинани жойлаштириш асосий принцип – бу кулайлик. Рақвина плитадан ва ишчи столдан узок жойлашмаган бўлиши керак. Катта ошхоналарда рақвинани хона бурчагида жойлаштирилса интерьерда яхши куринади.

Замонавий интерьерларда ошхона асосий жихозларни (плита, рақвина, ишчи стол) хона уртасида орол шаклида жойлаштириш вариантлар хам учрайди. Бундай холда рақвина композиция марказида жойлашиши лозим.

Ётокхоналар.

Кун буйи меҳнатда булган инсонга физик ва психологик холатни кайта тиклаш учун дам олиш,уйку муҳим рол уйнайди. Шунинг учун ётокхоналарда тинчлик ва сокинлик бўлиши учун улар бошка хоналардан холи бўлиши лозим ва тегишли мебеллар билан жихозланган бўлиши керак. Ётокхоналар кай йусинда фойдаланишга караб 2 гуруҳга бўлиниши муимкин:

1-дам олиш ва уйкуга мулжалланган.

2- аклий меҳнат учун зонаси ажратилган ётокхоналар.

Дам олиш ва уйку учун мулжалланган ётокхоналар. Агар хонадонда аклий фаолият учун кабинет ажратилган булса ёки оила аъзолари учун зона ажратилиши лозим булмаса ётокхона факат дам олиш учун мулжалланган мебеллар:кровать, тумбочка, кийим учун шкаф билан жихозланган булади. Бундай ётокхонада урин-курпа учун замонавий дизандаги сандик жойлашиши мақсадга мувофик булади.

Ётокхонада жихозлар етарли бўлиши учун трюмо, курси ва айникса инсон коматини бошдан оёк куриши учун баланд буйли кузгу бўлиши шарт. Ётокхонада энг асосий жихоз бу оддий кровать. Эвропа давлатларида якин утмишда кровать хозирги замон хаёт гарзига жавоб бермайди деган фикр ҳукумрон эди. Сабаби хонадон тархи эркин лойихалаш принципида яратилиб, бир хона хеч кандай тусикларсиз иккинчи хонага утиб кетиларди,ётокхона кундузги хоналардан фарк килмасди. Гигиенага булган

замонавий талаблар ётокхонани аввалги мохиятини ва урнини кайтариб берди. Ухлаш учун мулжалланган кроватни қулайлигига ҳеч қандай шубҳа йук.

Ётокхонанинг улчамлари, шакли ва тархӣ ечимига қараб кроватни қуйидаги вариантларда урнатиш мумкин.

Кроват узун томони билан битта деворга ёндашган;

Кроват қалта томони билан битта деворга ёндашган;

Кроват 2та узаро перпендикуляр деворларга ёндашган.

Кроват тахмондаги (алковдаги) 3 та деворга ёндош.

Ақлий меҳнат учун жой ажратилган ётокхона. Ётокхонада ақлий меҳнат учун зонани дорезага яқинрок жойда ажратган маъқул, у ерда етарлича табиӣ ёруглик бўлади. Ақлий меҳнат учун қуйидаги мебел ва жихозлар лозим бўлади: ёзув ёки иш столи,стул, қитоб жавони ёки секретер. Ёзув столи, стул бирга қамида 1,10 х 1,20 м юзани эгаллайди. Агар қитоб жавонига жой бўлмаса деворда осма полқалар урнатиш мумкин.

Бу турдаги ётокхонада ҳам кроват, қийим шкафи,аёллар пардози учун стол ёки грюмо зарурий мебел ҳисобланади ва уларнинг жойлашиши юқорида қайд этилган.

Болалар хонаси. Болалар хонасининг интерьер дизайни уларни усишига ва ривожланишига жиддий таъсир қурсатади. Интерьер ва жихозлар бола учун қанчалик қулай бўлса унда уқиш учун, машғулотлар утқизиш учун истак ошаверади. Болалар хонасининг функционал вазифалари- уйинлар утқизиш, дарс қилиш, дам олиш ухлаш. Мана шундай вазифаларга жихозлар ва анжомлар жавоб бериши қерек. Шу мақсад хонани узини функционал зоналарга бўлиш яхши натижа беради. Қуп болалар нарвонга қикишни ва тепадан пастга қарашни яхши қуришади, шунинг учун дам олиш зонасига икки қаватли кроват урнатиш масалани яхши ечимини беради. Бушаган жойда биз дарс столини қуйишимиз ёки уйин зонасини ташқил қилишимиз мумкин. Бундан ташқари болалар хонасида қичкина спорт снарядларини (анжомларини) урнатиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Чунки жисмоний тарбия билан шугулланган бола соғлом усади.

Сунгги йилларда болалар хонасини дизайн ечимида подиум (супа) услубини қуллаш қенг тарқалмокда. Бу услубда хона икки қисмга бўлинади. Ва уларнинг бирига баландлиги 57 см бўлган супа урнатилади. Бир тарафдан супага қичиладиган қичкина зина урнатилса,2- томонга кроват қуйилади. Бола эрталаб тургандан сунг кроватни

супа тагига суриб куйиши мумкин ва натижада болалар уйнаши учун жой очилади. Супа устида асосан болалар учун дарс килиш жойи ташкил килинади: стол, стул, кичкина китоб жавони.

Гарб давлатларида бундай усулни кенг таркалганлигини сабаби, хонани зонасида рационал фойдаланилади. Бирок шуни эсда тутиш керакки, болалар хонасини дизайн ечими кай усулда булишидан катъий назар функционал зоналашда болани анатомик хусусиятларини хисобга олиш зарур. Болалар мебели катталарникидан нафакат узини улчамлари, балки пропорциялари (нисбатлари), ранглари билан фарк килади.

Болалар хонасидаги мебел ва жихозлар содда шаклда ва катта деталлардан иборат булиши керак. Жихозларнинг деталлари туртиб чиккан ва уткир бурчакли булиши мумкин эмас. Хонада табиий ва сунъий ёруглик етарлича булиши лозим. Ёритгичларни урнатганда хонани бир зонасида иккинчиси ёруглиги билан кескин фарк килмаслиги керак, чунки бу болани соглигига салбий таъсир килади.

Электр (сунъий) ёруглик ананавий шаклда – шифтни орасига хона дизайни стилига мос тушадиган люстра олиш билан хал килиниши мумкин. Шифт гипсокартон ёки фанерадан ишланган булса (осма шифт) унинг сатхи билан бир текисда бир нечта кичкина ёритгичлар урнатиш мумкин. Болалар хонасида тунги пайтда доимо ёниб турадиган кам кувват талаб киладиган битта ёрдамчи лампочка урнатилиши мухим. Бола чирокни узи ёкиб – учуриши учун улагични (чирокни ёкадиган тугма) полдпн 90-100 см юкорида жойлаштириш мақсадга мувофик булади.

Ванна хона. хозирги даврда ҳеч қандай хонадонни ванна хонасиз ёки санитар хонасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бир хонали хонадонларда хожатхона ва ванна хонани бир хонага ташкил қилиш руҳсат берилади. Куп хонали (2 ва ундан куп) хонадонларда санитар хона 2 та хонадан иборат булиши керак: хожатхона ва ванна хона. Хожатхонада унитаз ва раковина урнатилади. Ювиниш, ванна қабул қилиш, кир ювиш ванна хонада бажарилади. Хозирги кунда хонадон қомфорт даражасини ошириш ва одамларни ушиб бораётган талабларини қондириш мақсадида ванна хонада юкорида айтилган жиғозлардан душ ёки душ кабинаси ва биде (тахорат учун) урнатилмоқда. Биде унитазга ухшаб санқерамикадан ишланади ва совук сув билан иссиқ сувга уланган булиши керак. Биде улчамлари тарҳда 70 x 35 см. Булардан ташқари ваннахонада кир

ювадиган машина учун етарлича жой ажратилган булиши лозим.

Унитазни тархдаги улчамлари уртача 75 x 35 см, раковинаники 50 x 40 см. Хона бурчагига куйиладиган раковина 35 x 35см. Хозирги даврда раковинанидизайн ечимлари ва унга кулланиладиган материаллар хилма хил: металдан тортиб, табиий гошгача.

Ванна хонасини асосий жихози бу ванна. Якин утмишда бизнинг ватанимизда ванналар факат эмал копланган чуяндан ишланарди. Уларни улчамлари тархда куйидагича булган: узунлиги 150 то 183см. гача эни 70то 80см.гача. энг кичкина ванна 120 x 70 см булган. Чет элда ишланган чуян ванналар бизникига караганда нозикрок ишланган ва деворининг калинлиги 5 мм. Ваннанинг эни бир томонга караб торайиб боради, аммо сифати юкори.

Европада хозир акрилдан ишланган ванналарга кизикиш катта. Агар 20 асрни 2-ярмида санитар хоналарни дизайн ечимида гигиеник аспектни намойиш килиш урф булган булса, деворларда ок сайкалланган керамик плиталар, хромланган сантехник жихозлар. Хозир бошкача ёндашиш урф булмокда. Ванна хоналарни хам турар жой хоналаридек катта лойихалаб ва шинам килиб безалмокда, ёритиш учун катта деразалар урнатилиб дам олиш учун тушак ёки курсилар жойлаштирмокда. Бир суз билан айтганда хона дизайнига “иликлик”(кинестетика) киритилмокда.

Ванна хона поли исситилмокда, унитаз копкогида иситилган сув айланиб туради. Ванна кабул килиш учун даволовчи тузлар, махсус душлар инсонга хизмат килади. Агар ванна хона поли юзаси 10 м² дан куп булса, у ерда жакузи фирмаси ваннасини куйиш мумкин. Бундай ванна оддий ваннага караганда катта ва дизайн ечими хар хил. Энг асосий фарки шундаки, унинг анжомлари инсон баданини хар хил жойини гидромассаж килишга имконият беради. Сув хажмининг катталиги одам ваннада эмас, кичкина ховузда чумилаётгандек узини хис этади.

Хозирги кунда ванна материаллари турли туман: чуян, акрил, шиша, плексиглас, пулат, ёгоч, метакрилат. Замонавий кимматбахо ванналар гидромассаждан гашкари аэромассаж(хаво массажи), хромотерапия(ранг билан даволаш), ароматерапия(хид билан даволаш), термостатлар(сув хароратини бир меъёрда ушлаб туради) билан мосланган булади.

Агар хонадонда 2 та санитар хона мавжуд булса, 2-да ванна урнига душ ёки душ

кабинаси урнатган маъкул. Душ cabinaси чункир ёки саёз тагдонли,2 ёки 1 кишилик уриндиклар билан хар хил душлар (“тропик ёмгир”,”шарко души” каскад) ва ароматерапия,хромотерапия бошқариш пулти урнатиш мумкин. Булар хаммаси хар хил кинестик таъсурот олиш согликни мустахкамлаш учун.

Яхши терапевтик натижага эришиш учун аввал туркча саунага кириб, сунг душ cabinaсига кириш тавсия этилади. Шунда упкаларда хаво яхши алмашади ва бу упкаларга яъни одам соглигига ижобий таъсир килади.

Энди ванна хонасини хонадоннинг каерига жойлаштириш афзал. Мутахассислар ванна хонани,хожатхонани дахлизни ёнида:кушимча санитар хонани хонадон ичкарисида,ётокхона олдида жойлаштириш тавсия килишади. Аммо ташки деворни ёнида ванна хонани жойлаштириш тавсия этилмайди. Чунки кишда юкори намли ванна хавоси ташки девор сатхида майда сув зарачаларига айланади(конднсация булади). Бу жараёни олдини олиш учун ташки девор ва пол сатхини иситадиган мухандислик мосламаларини кулаш яхши натижа беради. Бундай санитар хоналарда хавони тез алмаштирадиган вентиляторларни урнатиш фойдали,айникса ванна хона хонадоннинг ичкарисида жойлашса ва ташки мухит билан бевосита алокаси булмаса. Хозирга пайтда винтеляторни ёкиш (ишга тушириш) чирокни ёкиш билан бирга бажарилмокда. Бошка хоналарга нисбатан ванна хонани куриш ва жихозлаш кимматга тушади. Сантехник жихозларни мебел каби суриб булмайди. Шунинг учун ванна хонани тархини тугри хал килиш дизайнерлар учун мухим вазифа хисобланади. Бунинг учун масштабда ванна хона тархини чизаб, сунг санитар жихозларини жойлаштириб чикиш керак. Биде, раковина ва унитазлар атрофида одамни тиззаси, тирсаги учун етарли жой колдириш зарур.

Сочик осиб куйиш учун илгак шундай жойлашган булиши керакки, унга ваннадан ёки душдан бемалол кул етиши керак.

Кичкина улчамдаги ванна хонани дизайнини хал килиш ягона йули – бу хар бир квадрат метр сатхини тежамкорлик билан ишлатиш. Унитаз бакини ва трубаларни деворни ичкарисига олса кушимча жой очилади ва интерьер куриниши хам яхшироқ булади. Унитаз ва бидени деворга махкамлаб куйиш мумкин, катта ванна урнига утириб фойдаланиладиган ваннани урнатиш мумкин.

Ландшафт (немсича Land-ер, Schaft-манзара) муайян бир географик худуга хос

бўлган табиат манзараси (ер юзаси, рельефи, тупроғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, суви, иқлими)ни белгиловчи умумий тушунча.

Ландшафтнинг бир-биридан фарқ қилувчи табиий турлари мавжуд. Масалан, тоғ ландшафти, дашт-чўл ва сахро ландшафти, тундра ландшафти, океан, денгиз ландшафти ва бошқа ландшафтлар.

Буларнинг барчаси табиий географик ландшафтга киради. Бироқ маданий ландшафтлар гуруҳи ҳам мавжуд.

Уларга инсон қўли ва заковати билан яратиладиган барча ландшафтлар, масалан, меъморий ландшафт, қишлоқ хўжалик ерлари ландшафти, шаҳар ландшафти, боғ-парк ландшафти ва ҳ.к. киради.

Ландшафтлар ҳудудининг катта ва кичиклигига қараб микро ва макро ландшафтларга бўлинди:

микрولандшафт – ўсимликлардан сунъий яратилган ва жой рельефи, сув ҳавзалари билан боғлиқ бўлган мўъжаз манзаранинг кўриниши.

макрولандшафт – бу катта ва улкан географик ҳудуд ёки минтақанинг табиий ландшафтидир.

Меъморчилик фан ва санъат тури сифатида жамият дунёқараши ва сиёсий-ижтимоий ғояларини ўзида ифодалаб келган.

Айни пайтда меъморчилик ривожини халқ амалий санъати, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, ландшафт архитектураси билан ўзаро боғлиқликда тараққий этганлиги маълум. Жихоз лойиҳасида ўсимликларни кузатиш бўйича ҳам намуналар жойлашган.

Ўсимликларни кузаб уларга турли шакллар бериш санъати Самарқанд шаҳрига тарихдан мерос. Дарахтлар кузалиб, уларга ўта ғаройиб манзарали сунъий шакллар, тартиб-оройишлар берилган. Ҳозирда яратилаётган чизма жихозни, турли хил матириаллардан яратиш одат тусига кирган.

Бироқ, ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқ ўзининг миллий услибида яратиш ва уларни умуминсоний, умужаҳон санъати даражасига етказишга ҳаракат қилмоғи зарур. Бу йўлда биз самарқандликларга тарихан миллий, маҳаллий ҳисобланган ўсимликларни шаклли кузаш санъатини янгитдан жонлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирда қатор хорижий давлатларда қурилаётган кўпчилик жамоат биноларининг жихозларини тасаввур этиш қийин. Бир-биридан чиройли бу чизма жихозларда ўтириб дам олиш, енгил тамадди қилиш, қоғоз стаканчаларда қахва ичиш, дарсдан сунг бир зум тўхтаб дам олиш имкониятлари яратилган.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб ва талабаларнинг яшаш жойларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг дам олишлари учун атроф муҳит меъморий-ландшафт ечимларини замонавий талаблар даражасига кўтариш, айниқса жаҳон туристик шаҳарлари тизимига кирган Самарқанд шаҳрининг ташқи қиёфаси, очик муҳитлар архитектурасини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

ЭКОЛОГИЯ ҚИСМИ.

Маслаҳатчи: Проф. Самигов Н.А

Битирувчи. Нуруллаева М.Ш

ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ҚИСМИ.

Лойиҳа қилинаётган иншоот қуриладиган жойнинг физик–географик ва иқлим шароитлари. Қуриладиган объект “*Бухоро шаҳридаги «Кўп қаватли турар-жой биноси»*” бўлиб, Бухоро шаҳри Пиридасгир кўчасида қуриляпти.

Шимолдан – Боғ, шарқдан – кафе, ғарбдан – Мавжуд бинолар ва жанубдан – Маъмурият биноси билан чегараланган.

Иншоотда маълум масофада савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш бинолари жойлашган. Иқлим шароити континентал. Қиши совуқ ва ёзи иссиқ, ўртача ҳаво ҳарорати ёз ойларида + 35 °С, қиш ойларида - 10 °С ин ташкил қилади. Ёғингарчилик асосан куз, қиш ва баҳор ойларида кузатилади, миқдори 380 мм.

Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар.

Лойиҳа қилинаётган иншоот *Бухоро шаҳрида* мўлжалланган. Қурилиш майдонига яқин саноат корхонаси мавжуд эмас.

Худуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари.

Қурилиш жойининг тупроғи: ернинг энг 0,3 – 0,7 метри ўсимлик чириндиларидан иборат унумдор тупроқдан иборат. Ер ости сувлари 25 – 36 метр чуқурликда жойлашган. Бетон ва қурилиш конструкцияларига нисбатан агрессив эмас. Ер ости сувлари вақтинчалик қаттиқликлардан иборат. Ер ости сувларини ичимлик учун ишлатиш мумкин. Қурилиш майдонига яқин жойда ер устки сув ҳавзалари мавжуд эмас.

Худуднинг ўсимлик ва ҳайвонат дунёси, аҳоли саломатлиги.

Ернинг юқориғи унумдор тупроқ қисми шўрланмаган, кучли эрозия кузатилмаган. Шу сабабли ҳар хил ўсимликларга бой. Айниқса қишлоқ хўжалик экинлари помидор, бодринг, қовун ва тарвузлар етиштирилади. Кўп йиллик ўсимликлардан, яъни мевали дарахтлардан узум, боғдорчилик дарахтлари ва маданий манзарали дарахтлар. Қурилиш туманининг ҳайвонат дунёси ҳам хилма – хил уй ҳайвонларидан ташқари, бошқа кичик кемирувчи ҳайвонлар, ҳар хил қушлар майна , мусича, чумчук, қарғалар.

Қурилиш тумани аҳолиси саломатлиги соғлиқни сақлаш департаменти томонидан берилган маълумотларга мувофиқ республикамизда учрайдиган кўпчилик

касалликлар бўйича фоиз ҳисобида вилоят ва республикамиздаги кўрсаткичга нисбатан анча паст, лекин баъзи бир касалликлар яъни сариқ касаллиги бўйича бир юқори фоизга эга. Сабаби қушларнинг мавжудлигидир.

Худуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш.

Таъмирланаётган иншоот жойлашган жойнинг физик–географик ва иқлим шароитлари тупроғи, ер остки ва ер устки сув ҳавзалари, ўсимлик ва ҳайвонат дунёси, мавжуд таъсир этувчи омиллар ўрганиб чиқилди. Умуман олганда худуднинг мавжуд экологик ҳолати қониқарли, атроф – муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган манбалар кузатилмади.

Лойиҳанинг ечими ва технологик ечимнинг альтернатив вариантларини экологик таҳлил қилиш.

Диплом лойиҳаси бўйича **Бухоро шахри** қурилиш режалаштирилган. Иншоот бўйича батафсил маълумотлар. Иншоот девори ғиштдан, пойдевори бетондан, том ёпма шифер. Қурилиш эгаллаган майдон 236,4 м², умумий майдони 1050 м², кўкаламзорлаштириш майдони 420 м² ва қаттиқ майдонлар 70 м². Қурилиш жараёни қуйидаги асосий технологик босқичлардан ташкил топган: пойдевор учун хандаклар қазиш, пойдеворлар тагидаги заминни мустаҳкамлаш ва текислаш, бинолар деворини кўтариш ва томини ёпиш, сувоқ ва пардозлаш ишларини олиб бориш, электр, сув таъминоти ва табиий газ тармоқларини ўрнатиш, кўчаларни текислаш ва ободонлаштириш.

Иншоот қурилишида лойиҳа қилинган ечимга альтернатив бўлган ечимни экологик нуқтаи назаридан таққослаш рухланган пўлат лист кўзда тутилган яъни альтернатив вариант шифердан. Таққослаш: рухланган пўлат лист зангламайди, ранглаш талаб қилинмайди, енгил, монтаж ишлари анча тезлашади. Альтернатив вариант – шифер транспортировка ва монтаж вақтида кўп синади. Энг асосийси шифер таркибида асбест моддаси бор. Асбест хавфлилик тоифаси бўйича биринчи тоифага мансуб, атроф – муҳитга ва киши саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Иншоот қурилишида атроф – муҳитга таъсир этувчи омилларни баҳолаш.

Иншоот қурилишида атроф – муҳитга таъсир этувчи асосий манбалар: фойдаланиладиган ернинг маълум бир қисмини қурилишга олиш, қурилиш ер

майдонининг табиий ҳолати бузилиши, ер қазииш ва монтаж ишларини бажаришда ҳамда керакли материалларни ташишда транспорт воситаларининг ишлаши натижасида атроф – муҳитга кўп миқдорда зарарли ёқилғи қолдиқ моддалари ва ҳар хил чанглар ташланади. Ундан ташқари транспорт воситалари шовқин манбаи: қурилиш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланиш, сув олиш ва оқова сувларни чиқариш, қурилишда ҳар хил кимёвий лак бўёқ моддалардан фойдаланиш натижасида атроф – муҳитга кўп миқдорда кимёвий моддалар ташланди, қурилиш давомида кўп миқдорда қаттиқ чиқиндилар ҳосил бўлади.

Қуриладиган иншоот томонидан сув таъминоти тармоғидан олинadиган сув асосан хўжалик – ичимлик, ёнғинни учуриш ва ҳовли ва кўчаларни сантар ҳолатини талаб даражасида сақлаш, дарахт ва кўкаламзорларни суғориш мақсадида фойдаланилади.

Қурилиш давомида ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авария ҳолатларни ва уларнинг атроф – муҳитга таъсирини таҳлил қилиш.

Иншоот қурилиши ва фаолияти даврида содир бўлиши мумкин бўлган авария ҳолатлар. Масалан: кум, шағал ёки цемент ташиётган автотранспорт воситасида носозлик туфайли қурилиш материалининг тўкилиши ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар.

Иншоот қурилишининг атроф – муҳитга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар ва таклифлар.

Мазкур иншоотнинг қуриш, жиҳозлаш, ишга тушириш ва эксплуатация қилиш пайтида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади: ер ишларини олиб боришда энг замонвий қазииш усули қўлланилади, қурилиш жараёнида ажралиб чиқадиган чангнинг миқдорини камайтириш мақсадида тез – тез тупроқ намлантирилиб турилади, муҳандислик коммуникация тармоқларига хизмат кўрсатиш учун табиий кўрикдан ўтган, қудуқга техник хизмат кўрсатиш ва техника хавфсизлиги қоидаларни мукамал биладиган ва унга амал қиладиган ёши 18 кам бўлмаган ишчиларгагина рухсат берилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И. А. Каримов —Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади|| Тошкент— —Ўзбекистон|| – 2011йил.
2. ҚМҚ 2.01.01-94 —Лойиҳалаш учун иқлимий ва физик-геологик маълумотлар||. Тошкент 1994
3. ҚМҚ 2.01.03-96 «Зилзилавий ҳудудларда қурилиш». Тошкент 1996 й.
4. ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бино ва иншоотлари ” Тошкент 2011й
5. ҚМҚ 2.01.07-96 «Юқлар ва таъсирлар». Тошкент 1996 й.
6. ҚМҚ 2.02.01-98 —Биолар ва иншоотларнинг заминлари||. Т.,1999й.
7. ҚМҚ 2.01.03-96 —Зилзилавий ҳудудларда қурилиш|| Тошкент1996й.
8. ҚМҚ 2.03.10-95 «Томлар ва томқопламалар». Тошкент 1995 й.
9. ҚМҚ 3.03.01 – 98 «Юқ кўтарувчи ва тўсиб турувчи конструкциялар».
10. ШНҚ 2.01.02-04 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги». Тошкент, 2004 й.
11. ҚМҚ 2.03.13-97 —Поллар||. Тошкент 1997й.
12. ҚМҚ 2.03.01–96 «Бетон ва темирбетон конструкциялар». Тошкент, 2006й.
13. ҚМҚ 2.03.05-97- «Пўлат конструкциялар». Тошкент 1997 й.
14. ҚМҚ 2.03.11-96—Қурилиш конструкцияларини коррозиядан ҳимоя қилиш||. Тошкент, 2006 й.
15. С. Сайфиддинов “ Архитектура ” 2016 й.
16. Саидов А.А “ Турар жой бинолари ва меҳмонхоналар интерьерлари” уқув кулланма 2009й.
17. www.Arхitektura.ru
18. www.architime.ru
19. www.bitec.uz.







































